

1684/4566 - عَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَبَّ عَلَى حِمَارٍ، عَلَى قَطِيفَةٍ فَلَكِيَّةٍ، وَأَزْدَفَ أُسَامَةَ بْنَ زَيْدٍ وَرَاءَهُ، يَعُودُ سَعْدُ بْنُ عُبَادَةَ فِي بَيْتِ الْحَارِثِ بْنِ الْحَزْرَجِ، قَبْلَ وَقْعَةِ بَدْرٍ. قَالَ: حَتَّى مَرَّ بِمَجْلِسٍ فِيهِ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي سَلُولٍ، وَذَلِكَ قَبْلَ أَنْ يُسَلِّمَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي، فَإِذَا فِي الْمَجْلِسِ أَخْلَاطٌ مِنَ الْمُسْلِمِينَ، وَالْمُشْرِكِينَ عَبَدَةَ الْأَوْثَانِ وَالْيَهُودِ وَالْمُسْلِمِينَ، وَفِي الْمَجْلِسِ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ رَوَاحَةَ، فَلَمَّا غَشِيَتِ الْمَجْلِسَ عَجَاجَةُ الدَّابَّةِ، خَمَّرَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي أَنْفَهُ بِرِدَائِهِ، ثُمَّ قَالَ: لَا تَعْبَرُوا عَلَيْنَا، فَسَلَّمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيْهِمْ ثُمَّ وَقَفَ، فَتَرَلَّ فَدَعَاهُمْ إِلَى اللَّهِ، وَقَرَأَ عَلَيْهِمُ الْقُرْآنَ، فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي ابْنُ سَلُولٍ: أَيُّهَا الْمَرْءُ، إِنَّهُ لَا أَحْسَنَ مِمَّا تَقُولُ إِنْ كَانَ حَقًّا، فَلَا تُؤْذِينَا بِهِ فِي مَجْلِسِنَا، ارْجِعْ إِلَى رَحْلِكَ، فَمَنْ جَاءَكَ فَأَقْصِصْ عَلَيْهِ. فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ رَوَاحَةَ: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَاغْشِنَا بِهِ فِي مَجْلِسِنَا، فَإِنَّا نُحِبُّ ذَلِكَ. فَاسْتَبَّ الْمُسْلِمُونَ وَالْمُشْرِكُونَ وَالْيَهُودُ حَتَّى كَادُوا يَتَنَازَرُونَ، فَلَمْ يَزَلِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحْفِضُهُمْ حَتَّى سَكَنُوا، ثُمَّ كَبَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَابَّتَهُ، فَسَارَ حَتَّى دَخَلَ عَلَى سَعْدِ بْنِ عُبَادَةَ، فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا سَعْدُ، أَلَمْ تَسْمَعْ مَا قَالَ أَبُو حُبَابٍ؟ يُرِيدُ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَبِي - قَالَ: كَذَا وَكَذَا. قَالَ سَعْدُ بْنُ عُبَادَةَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، اعْفُ عَنْهُ، وَاصْفَحْ عَنْهُ، فَوَالَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ، لَقَدْ جَاءَ اللَّهُ بِالْحَقِّ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ، لَقَدْ اصْطَلَحَ أَهْلُ هَذِهِ الْبَحِيرَةِ عَلَى أَنْ يُتَّوَجَّهُوا فَيُعَصِّبُونَهُ بِالْعِصَابَةِ، فَلَمَّا أَبَى اللَّهُ ذَلِكَ بِالْحَقِّ الَّذِي أَعْطَاكَ اللَّهُ شَرِيقَ بَدْرِكَ، فَذَلِكَ فَعَلَ بِهِ مَا رَأَيْتَ. فَعَفَا عَنْهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَصْحَابُهُ يَعْفُونَ عَنِ الْمُشْرِكِينَ وَأَهْلِ الْكِتَابِ، كَمَا أَمَرَهُمُ اللَّهُ، وَيَصْبِرُونَ عَلَى الْأَذَى، حَتَّى أَذِنَ اللَّهُ فِيهِمْ، فَلَمَّا غَزَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَدْرًا، فَقَتَلَ اللَّهُ بِهِ صَنَادِيدَ كُفَّارِ قُرَيْشٍ، قَالَ ابْنُ أَبِي ابْنِ سَلُولٍ وَمَنْ مَعَهُ مِنَ الْمُشْرِكِينَ وَعَبَدَةَ

1684.4566. Усома ибн Зайд розияллоху анхумо шундай хабар қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам фадакча\* тўқимли эшакка миндилар. Усома ибн Зайдни орқаларига мингаштириб, Бану Ҳорис ибн Хазраждаги Саъд ибн Убодани кўргани бордилар. Бадр жангидан олдин эди. Шунда Ибн Салул – Абдуллоҳ ибн Убай ҳам ўтирган мажлис ёнидан ўтдилар. Бу эса Абдуллоҳ ибн Убайнинг мусулмон бўлишидан олдин эди. Мажлисида мусулмонлар, бутпараст мушриклар ва яҳудийлар аралаш эди. Мажлисида Абдуллоҳ ибн Равоҳа ҳам бор эди. Мажлисни уловнинг чанг-тўзони қамраб олган эди, Абдуллоҳ ибн Убай ридоси билан бурнини тўсди-да, сўнг: «Устимизга чанг тўзитманглар!» деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам уларга салом бердилар. Сўнгра тўхтаб, тушдилар. Уларни Аллоҳга даъват қилдилар ва уларга Қуръон ўқиб бердилар. Шунда Ибн Салул – Абдуллоҳ ибн Убай: «Эй одам, ҳақиқатда, агар ҳақ бўлса, айтганларингдан гўзал нарса йўқ. Энди бу билан мажлисимизда бизга озор берма. Уйингга қайт-да, ким ҳузурингга келса, ўшангга айтиб бер», деди. Шунда Абдуллоҳ ибн Равоҳа: «Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули! Мажлисларимизда бизни ундан баҳраманд қилинг, биз уни яхши кўрамыз», деди. Мусулмонлар, мушриклар ва яҳудийлар сўкишиб кетиб, ҳатто бир-бирларига ташланай дейишди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам тинмай уларни тинчлантиравердилар, ниҳоят, улар жим бўлишди. Шундан сўнг Набий соллаллоху алайҳи васаллам уловларига миниб, йўлга тушдилар. Бориб, Саъд ибн Убоданинг олдига кирдилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам Абдуллоҳ ибн Убайни ирода қилиб, унга: «Эй Саъд, Абу Ҳубобнинг нима деганини эшитмадингми?» дедилар. «У ундай, бундай деди», дедилар. Саъд ибн Убода: «Эй Аллоҳнинг Расули, уни афв этинг, кечиринг. Сизга Китобни нозил қилган Зотга қасамки, Аллоҳ сизга нозил қилган ҳақни келтирар экан, бу юрт аҳли унга тож кийдириб, подшоҳлик салласини ўрашга келишишган эди. Аллоҳ сизга ҳақ ато этиб, буни истамагач, бундан унинг томоғи тиқилди. Шу боис у ўзингиз кўрган ишни қилди»,\* деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам уни афв қилдилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳам, саҳобалари ҳам Аллоҳ буюрганидек, мушриклар ва аҳли китобларни афв этишар, озорларга сабр қилишар эди. Аллоҳ аzza ва жалла: «Албатта, сиздан олдин китоб берилганлардан ва ширк келтирганлардан кўплаб озор эшитажаксиз»,\* «Аҳли китобларнинг кўплари уларга ҳақ равшан бўлганидан кейин, ўзларича ҳасад қилиб, иймонли бўлганингиздан кейин сизларни кофирликка қайтармоқчи бўлурлар. Аллоҳнинг амри келгунча афв этинг, кечиримли бўлинг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир»,\* деган. Набий соллаллоху алайҳи васаллам афвни Аллоҳ буюрганига таъвил тафсир қилардилар.\* Ниҳоят, Аллоҳ улар хусусида (жанг қилишга) изн берди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Бадр ғазотига чиққанларида Аллоҳ ўша ерда Қурайш кофирларининг сардорларини

ўлдирди. Ибн Салул – Ибн Убай ҳамда мушрик ва бутпарастлардан у билан бирга бўлганлар: «Бу юзага чиқиб бўлган ишдир» деб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Ислом учун байъат қилишди ва мусулмон бўлишди».

\* Фадакча тўқим – Фадакдан келтирилган, ўша ерда тикилган тўқим. Фадак Мадинадан 2-3 марҳала (88-132 км) узоқликда жойлашган.

\* Оли Имрон сураси, 186-оят.

\* Бақара сураси, 109-оят.

Изоҳ: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам афвни Аллоҳ буюрганига таъвил қилардилар» деган жумланинг маъноси шуки, Аллоҳ «афв қилинг» деганда Набий алайҳиссалом бу амрни «Уларнинг азиятларига, озорларига сабр қилинг, уларни кечиринг» деб тушунганлар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

